

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Асқар Мамараимов

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов

академияси мустақил изланувчиси, Сурхондарё вилоят суди судьяси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21919313>

Аннотация: бугунги кунда суд ишларини юритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш билан бирга сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали нафақат судларнинг иш юритувини осонлаштириш, балки тарафларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳам долзарб бўлиб ҳисобланади. Кўпгина давлатларда судларнинг иш ҳажми катталиги, судьяларнинг етишмаслиги ва шунинг натижасида шахсларнинг одил судловга эришиш даражасининг пастлиги сунъий интеллект технологияларини қўллашдан, биринчи навбатда, судларнинг иш юкласини камайитишда, суд ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш, тарафларга суднинг эҳтимолий натижасини маълум қилиш орқали судларга мурожаатлар сонини камайитиш масалаларига қаратилади.

Калит сўзлар: суд соҳасини рақамлаштириш, сунъий интеллект технологиялари, интерактив хизматлар, ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш, иш юкласини камайитиш, суд мажлиси баённомасини реал вақт режимида овоздан матнга ўтказиш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш, виртуал-маслаҳатчи платформаси, иш туркуми ва суд амалиётини таҳлил қилиш.

Суд тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, сунъий интеллект технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда тизимни рақамлаштириш Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда суд тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишларнинг диққат марказида бўлди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори асосида “2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” Дастури тасдиқланди ва судлар фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, судлов ишларини юритиш сифати ва аҳолининг одил судловдан хабардорлик даражасини ошириш, судларда ишларнинг ўз вақтида кўрилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборот очиқлигини, шунингдек, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив хизматлар рўйхати кенгайтирилиши ҳамда сифати яхшиланишини таъминлайдиган ахборот тизимлари ва ресурсларини такомиллаштириш, судлар тизимида ахборот хавфсизлигини ва электрон ҳужжатларнинг хавфсиз айланишини таъминлаш судлар фаолиятига замонавий

ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишнинг асосий вазифалари этиб белгиланди.¹

Мазкур қарор ҳамда “2017 – 2020 йилларда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш” Дастури ижроси доирасида судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини Интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимларининг суд амалиётига жорий этилиши таъминланди.

Суд тизимида ушбу йўналишдаги ислохотларнинг навбатдаги босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли Қарори қабул қилиниши билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнининг онлайн кузатиб борилишини таъминлаш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятини яратиш, суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан мобил қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек суднинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари ахборот ва киберхавфсизлигини таъминлаш суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг кейинги босқичдаги вазифалари этиб белгиланди.²

Мазкур қарор асосида тасдиқланган “2020 – 2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш” Дастурида 2021 йил 1 январдан бошлаб барча судларда суд мажлисларини иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш ҳамда суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, 2021 йил 1 июлдан бошлаб апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали бепул асосда хабардор қилиш, 2022 йил 1 январдан бошлаб суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қоғоз шаклида тақдим этиш, 2022 йил 1 июлга қадар суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш, 2023 йил 1 январдан бошлаб суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Эътиборли жиҳати, айнан мазкур Қарор асосида 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/-3327998>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/4979896>.

даъво, ариза ва шикоятларни фақат электрон шаклда тақдим этиш, манфаатдор шахслар томонидан даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб бориш, суд мажлиси иштирокчилари томонидан маълумотлар ва ҳужжатларни электрон шаклда юбориш, суд ҳужжатларини судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда автоматлаштирилган равишда шакллантириш имконини берувчи "Адолат" ахборот тизимлари комплекси жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-11-сон Фармони суд тизимини рақамлаштиришга қаратилган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлиб, мазкур Фармон асосида тасдиқланган "2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси"да судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, судлар фаолиятига фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, суд ҳужжатларини автоматик тайёрлаш ва суд қарорларини таҳлил қилиш йўналишида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш одил судловни таъминлашнинг устувор вазибаларидан бири этиб белгиланди.³

Суд тизимини рақамлаштириш ҳамда унга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-140-сон Фармони янги даврни бошлаб берди.

Мазкур Фармон асосида "2025 – 2027 йилларга мўлжалланган суд соҳасини рақамлаштириш ва одил судлов жараёнларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш" Дастури тасдиқланган ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи "Рақамли суд" концепциясини амалга ошириш белгиланган:

- судга ариза беришдан олдин сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ҳамда сарфланадиган харажатлар шакллантириш;
- мурожаатларни судга электрон шаклда юбориш, ишда иштирок этувчи шахслар суд биносига ташриф буюрмасдан, суд муҳокамаларида масофадан туриб иштирок этиши;
- ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга суд жараёнларида ишга доир барча материаллар билан электрон шаклда танишиш имкониятини яратиш;
- суд харажатларини электрон шаклда ҳисоблаш ва тўлаш, шунингдек, ижро варақаларини автоматик равишда ижрога юбориш;

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги "Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-11-сон Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/6358976>

► сунъий интеллект ёрдамида суд мажлиси баённомалари реал вақт режимида матн шаклида тайёрлаш ва суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш.⁴

Таъкидлаш лозимки, юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида суд тизимини рақамлаштириш ҳамда соҳага сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасида белгиланган вазифалар ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар шахсларнинг одил судловга эришиш даражасини ва тизимнинг шаффофлигини ошириш, суд ишларини юритиш қулайлиги ва тезкорлигини таъминлаш, шунингдек ортиқча бюрократизм ва сансалорликнинг олдини олиш орқали соҳани жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишга қаратилган.

Бугунги кунда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг "Адолат" ахборот тизимлари комплекси кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши натижасида ишни мазмунан ҳал этишда лозим бўладиган маълумотномаларни ортиқча сўрономаларсиз, тезкорлик билан тизим орқали олиш, даъво аризалари ва бошқа муурожаатларни электрон шаклда юбориш, суд жараёнлари ҳақида тизим орқали хабардор бўлиш каби қулай имкониятлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун яратилди.

Бироқ, суд тизимини рақамлаштириш борасида ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалалар борки, фикримизча, уларнинг ижобий ҳал этилиши ҳамда процессуал қонунчиликда ўз аксини топиши суд ишларини юритишни осонлаштириши билан бирга, соҳага илғор хорижий тажрибанинг жорий қилиниши ҳамда миллий қонунчилигимизнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган даражада такомиллаштирилишига хизмат қилади.

Бугунги кунда суд ишларини юритишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш билан бирга сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали нафақат судларнинг иш юритувини осонлаштириш, балки ишда иштирок этадиган тарафларнинг ҳам одил судловга эришиш даражасини ошириш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Кўпгина давлатларда судларнинг иш ҳажми катталиги, судьяларнинг етишмаслиги ва шунинг натижасида шахсларнинг одил судловга эришиш даражасининг пастлиги сунъий интеллект технологияларини қўллашдан, биринчи навбатда, судларнинг иш юкмасини камайтиришда, суд ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш, тарафларга суднинг эҳтимолий натижасини маълум қилиш орқали судларга муурожаатлар сонини камайтириш масалаларига қаратилади.

Масалан, Ҳиндистон Республикаси судларида 2025 йил якунларига кўра, мазмунан кўрилмаган ишлар сони 50 млн.дан ошган, мазмунан кўрилаётган ишлар 5.3 млн., шундан 4.7 млн.таси қуйи судларнинг иш юритувида, шундан 68 000 таси 30 йилдан буён суднинг иш юритувида бўлса, 1.2 млн.таси 5 йилдан ортиқ даврдан буён судда кўрилмоқда, Олий судида 34 нафар судья фаолият олиб борса-да, кўриб чиқилмаган ишлар сони 89 000 тага етган бўлиб, бу муаммонинг асосий сабабларидан бири судьялар

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги "Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-140-сон Фармони қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/7696567>

етишмаслиги ҳисобланади, яъни 1987 йилда мамлакатда ҳар 10 миллион аҳолига 50 нафар судья тўғри келган бўлса, 2025 йилга келиб ҳар 10 миллион аҳолига 15 нафар судья тўғри келади.⁵

Аргентинада суд ишларини юритишда амалиётга жорий қилинган ва сунъий интеллектга асосланган "Прометей" номли виртуал ёрдамчи судьяларга ҳар ойда 490 та ишларни таҳлил қилиш ҳамда ўрганишда ёрдам бермоқда ҳамда бу ушбу дастур ишга туширилишидан олдинги ойлик 130 та иш кўрсатгичи билан солиштирилганда, судларнинг иш самарадорлигини қарийб 300 фоизга оширган.

Миср суд тизимида 2024 йилда жорий қилинган "Автоматлаштирилган транскрипция" дастури судлар фаолияти самарадорлигини ошириши билан бирга, тарафларнинг судда иштирок этиш имкониятларини сезиларли ошишига хизмат қилмоқда.

Сунъий интеллект технологияларини суд тизимида жорий қилишда тегишли хавфсизлик ва эҳтиёткорлик чоралари кўрилиши лозим. Чунки, барча йўналишларда одил судловнинг амалга оширилиши бевосита юридик ва жисмоний шахсларнинг, қолаверса жамият ва давлатнинг манфаатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, сунъий интеллект технологияларидан нотўғри фойдаланилиши ёки хавфсизлик чораларининг кўрилмаслиги суд мажлиси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатларига зарар етказиши билан бирга, шахсларнинг қонун устуворлиги ва одил судловга бўлган ишончига ҳам путур етказиши мумкин.

Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти ҳисобланган ЮНЕСКО томонидан суд-ҳуқуқ соҳасидаги дунёдаги етакчи таълим муассасалари ва ҳуқуқшунос олимлар билан ҳамкорликда 2025 йил 3 декабрда қабул қилинган ҳамда 2025 йил 4 декабрда Лондонда бўлиб ўтган Сунъий интеллект ва қонун устуворлиги бўйича Афина давра суҳбатида расмий тақдимот қилинган "Судларда ва трибуналларда сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш бўйича ЮНЕСКО Қўлланмаси"да фаолиятида сунъий интеллект технологияларини жорий қилаётган давлат ва нодавлат ташкилотлар учун сунъий интеллект технологияларини жорий этиш ҳамда ундан фойдаланишда одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган қуйидаги 15 та асосий принциплар ишлаб чиқилган бўлиб, миллий процессуал қонунчилигимизда сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишда ушбу принципларга риоя этилиши судлар фаолияти самарадорлигини ошириши билан бирга инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш кафолати ҳисобланади:

1) Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш – сунъий интеллект технологияларини жорий қилишда шахсларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини назарда тутиши билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий ҳуқуқлар, жумладан, камситмаслик, тенглик, процессуал адолат (тенг ҳуқуқлилиқ), махфийлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда эркинлик ва хавфсизлик таъминланиши лозимлигини назарда тутати;

⁵ Soni Mishra. Justice on hold. <https://frontline.thehindu.com/the-nation/india-judicial-delay-supreme-court-police-judges/article70185758.ece/amp/Published>: Oct 22, 2025 00:14 IST

2) Мутаносиблик – фойдаланиш нақтаи-назаридан сунъий интеллект тизимлари барча учун тенг ва қонуний имкониятлар яратиши лозим;

3) Афзалликлар ва амалга ошириш имкониятларини баҳолаш – суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий этишдан олдин унинг суд ҳокимияти, ишда иштирок этувчи шахслар ҳамда жамоатчилик учун афзалликлари ҳамда суд тизимининг ушбу технологияларни жорий қилиш салоҳияти баҳоланиши лозим;

4) Хавфсизлик – тарафлар, судьялар, суд идоралари ва бутун суд ҳокимиятининг обрўси ва нуфузи, шунингдек жамоатчилик учун зарарли оқибатлар келиб чиқишининг олдини оладиган ва бартараф этадиган сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш;

5) Ахборот хавфсизлиги – ахборот олиш ва махфий маълумотларни ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларига жавоб берадиган, кибертаҳдидлардан ҳимоя тизимига эга бўлган ҳамда суд тизими маълумотлари устидан доимий назоратни таъминлайдиган сунъий интеллектга асосланган тизим жорий этилишини назарда тутди;

6) Аниқлик ва ишонччилик – фойдали ва долзарб маълумотларни тақдим этадиган, аниқ натижалар ва башоратлар берадиган, шунингдек турли маълумотлар ва вазиятларда "тўғри" ишлайдиган сунъий интеллект тизимларини жорий этиш ва улардан фойдаланишни талаб қилади;

7) Изоҳланувчанлик – фойдаланувчиларга кириш маълумотлари, таҳлил қилиш жараёни, натижалари ва ишлаш принциплари ҳақида аниқ тасаввур бера оладиган, қарорлари ва натижалари ортидаги мантиқий асосларни тушунтириб бера оладиган, инсонлар учун тушунарли бўлган сунъий интеллект тизимларини жорий қилиш;

8) Текширилувчанлик – сунъий интеллект тизимларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг текширилишини таъминлайдиган маъмурий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар кўриш;

9) Очиқлик ва шаффофлик – қандай ишлаб чиқилгани, ишлаши, чекловлари (йўл қўйиши мумкин бўлган хатолик даражаси) ва имкониятлари нуқтаи назаридан очиқ ва шаффоф бўлган, шахсларнинг ҳуқуқларига таъсир қиладиган қарорлар қабул қилиниши ва уларнинг устидан шикоят қилиш тўғрисида тегишли тарзда хабардор қиладиган сунъий интеллект тизимлари жорий қилинишини назарда тутди;

10) Хабардорлик ва онгли равишда фойдаланиш – сунъий интеллект тизимларини жорий этишда уларнинг функциялари, фойдаланиш имкониятлари, юзага келиши мумкин бўлган таъсирлар, чекловлар ва хавф-хатарлардан хабардор бўлиш ва суд фаолиятини амалга оширишда улардан онгли равишда фойдаланишни талаб этади;

11) Жавобгарлик – сунъий интеллект тизимларини ишлаб чиқувчилар ва улардан фойдаланувчилар унинг кўмагида қабул қилинган қарорлар ва амалга оширилган ҳаракатлар учун жавобгарликни ўз зиммаларига олишлари лозим;

12) Ҳисобдорлик ва баҳслашиш имконияти – суд тизимида муайян сунъий интеллект технологиялари қандай мақсадда жорий этилганлиги ҳамда уларни қўллаш орқали қандай натижаларга эришилганлиги ҳисобини юритиш ҳамда манфаатдор томонларга сунъий интеллект тизими томонидан тақдим этилган ва кўрилатган ишнинг якунига таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай хулосага эътироз билдириш (шикоят қилиш) имкониятини яратиш талаб этилади;

13) Инсон назорати ва қарорлар қабул қилиш – судьялар ваколатларининг бирор-бир қисми сунъий интеллект тизимларига топширилмаслиги, шахслар ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бутун бошли жараёнлар автоматлаштирилмаслиги, қарорлар қабул қилишда фақатгина ушбу тизимларга таяниб қолмаслик, сунъий интеллект тизимлари қўлланиладиган барча қарор қабул қилиш жараёнларида инсон аралашуви имконияти сақлаб қолинишини назарда тутати;

14) Инсон манфаатларига йўналтирилган ҳамкорликдаги лойиҳалаш – сунъий интеллект тизимларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш суд тизими имкониятларини кенгайтириши, инсон манфаатлари ҳурмат қилинишини таъминлайдиган, суд тизими вакиллари ва жамоатчилик жалб этилган ҳолда ишлаб чиқиладиган лойиҳалаштириш тамойилларига асосланиши лозим;

15) Кўп томонлама бошқарув ва ҳамкорлик – суд идоралари сунъий интеллект тизимидан фойдаланган ҳолда қарорлар қабул қилинадиган бутун фаолият давомида турли манфаатдор шахслар ҳамда жамоатчилик билан муҳокамалар ўтказиши, айниқса, ушбу тизимларнинг жорий этилиши ҳуқуқларига бевосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган гуруҳлар – аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, вояга етмаганлар ва болаларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратиши лозим.⁶

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларда “сунъий интеллектга асосланган судья” тушунчаси суд тизимида оддий автоматлаштирилган воситалардан тортиб, мураккаб қарорлар қабул қилишгача бўлган жараёнларни қамраб олган технологик иловаларнинг бутун бир тизимини ўзида мужассамлаштиради.

Бугунги кунда аксарият давлатлар томонидан суд тизимида сунъий интеллект технологиялари асосан қуйидаги йўналишларда фойдаланиб келинмоқда:

► ташкилий-маъмурий соҳадаги сунъий интеллект тизимлари суд ишларини юритишда ҳужжатларни қайта ишлаш ва ресурсларни бошқариш, жумладан суд қарори қабул қилинишига таъсир кўрсатмаган ҳолда иш режалари тузиш, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва маълумотларни қайта ишлашни таъминлайди;

► суд ишларини юритишни қўллаб-қувватлашга қаратилган сунъий интеллект тизимларининг катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва қонунийликни баҳолаш функциялари инсон томонидан йўл қўйиладиган хатоларни камайтириш, суд амалиёти ва илгари қўрилган бир хил мазмундаги ишлар натижаларини таҳлил қилиш асосида судьяларга қарор қабул қилишда кўмаклашиш ҳамда иш самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

► қарор қабул қилишни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимлар иш ҳолатларини таҳлил қилиш, низога алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш асосида судьяларга қарор қабул қилиш бўйича тавсиялар ёки текшириш ва таҳрир қилиш учун аниқ қарор лойиҳаларини тақдим қилиши билан автоматлаштирилган суд муҳокамасига ўтиш йўлидаги муҳим босқични ўзида мужассамлаштиради;

► мустақил сунъий интеллект судьялари суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилишнинг энг илғор, шу билан бирга баҳсли шакли бўлиб, инсоннинг минимал аралашуви ёки умуман аралашувисиз ижро этилиши мажбурий

⁶ <https://www.unesco.org/en/articles/ai-courtroom-unescos-new-guidelines-judiciary>

бўлган суд қарорларини қабул қилишга қодир бўлган, тўлиқ автоматлаштирилган тизим жорий этилишини назарда тутди.⁷

Айрим ривожланган давлатларда суд ишларини юритишда сунъий интеллект технологияларининг кенг қўлланилиши суд ишларини юритиш самарадорлигини ошириш, судьяларнинг иш юкмасини камайтириш, ишларни кўриш муддатлари ва суд муҳокамаси вақтини қисқартиришда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Хусусан, суд тизимида сунъий интеллект технологияларини жорий қилишда сезиларли ютуқларга эришган Хитой Халқ Республикасининг Ханчжоу шаҳрида 2017 йилда дунёда биринчи бўлиб барча суд муҳокамалари онлайн режимда олиб бориладиган, иш юритиш ва қарор қабул қилишда сунъий интеллект кенг қўлланиладиган интернет судлари ташкил этилган. Мазкур интернет судлари ташкил этилганидан сўнг бир йил ичида, яъни 2018 йил 17 август куни ҳолатига жами 12 074 та фуқаролик-хуқуқий муносабатларга оид ва айрим маъмурий ишлар, жумладан 80 та халқаро низолар кўриб чиқилган бўлиб, битта низони суд мажлисида кўриб чиқиш давомийлиги ўртача икки соатдан 28 дақиқага, ишни кўриш муддатлари эса 76 кундан 38 кунга қисқарганлиги қайд қилинган. 2019 йилнинг март-октябрь ойларида эса интернет суд тизими орқали жами 3,1 миллиондан ортиқ юридик тусдаги хатти-ҳаракатлар амалга оширилган бўлиб, тизимда 1 миллиондан ортиқ шахслар, шундан 73 000 нафардан ортиқ хуқуқшунослар рўйхатдан ўтган бўлса, 2021 йил давомида интернет судлари томонидан 11 миллион 439 мингдан ортиқ ишлар кўриб тамомланган. Эътиборли жиҳати, суд мажлиси залида ҳақиқий судья мавжуд бўлмайди, балки унинг ўрнида ҳақиқий инсонга ўхшаш бўлган галограмма кўринишидаги аёл ёки эркак жинсидаги судья тимсоли намоён бўлади ва у суд мажлисини очиб, уни олиб боради, тарафларга саволлар беради ҳамда якуний суд ҳужжатини қабул қилади.⁸

Суд тизимида сунъий интеллект технологияларини кенг жорий қилиш бўйича илғор давлатлардан бири ҳисобланган Бразилияда мазкур йўналишда катта миқдордаги ишларни таҳлил қилиш имкониятига эга бўлган VICTOR деб номланган платформа яратилган. Украина судлари томонидан бир йилда ўртача 4 миллионта ишлар кўриб тамомланган бир пайтда Бразилия судлари томонидан ҳар йили 20 миллиондан ортиқ ишларнинг кўрилиши соҳага ахборот технологиялари ва сунъий интеллектни жорий қилиш заруратини келтириб чиқарган. Ушбу платформани яратиш ва суд амалиётига жорий қилиш мақсадида 2017-2019 йиллар давомида Бразилия Олий суди томонидан ҳудудлардаги федерал, штат судлари ҳамда ихтисослаштирилган меҳнат, ҳарбий ва сайлов судларидан 100 000 та турли даъво аризалари ва 3 миллиондан ортиқ суд қарорлари PDF шаклида ва бошқа форматларда маълумотлар базасига киритилиб, тизимнинг ишга туширилиши суд фаолияти самарадорлигини ва низоларни кўриб чиқиш тезкорлигини оширишга хизмат қилган.⁹

⁷ Andre Rippl, AI DBA Candidate, AI Judges in Global Courts: Transforming Justice Through Technology, <https://www.linkedin.com/pulse/ai-judges-global-courts-transforming-justice-through-andre-gck2e>, 16.09.2025 y.

⁸ <https://learningenglish.voanews.com/a/robot-justice-the-rise-of-china-s-internet-courts-5201677.html>

⁹ Eduardo Villa, Coimbra Campos, Artificial Intelligence, the Brazilian judiciary and some conundrums// <https://www.sciencespo.fr/public/chaire-numerique/en/2023/03/03/article-artificial-intelligence-the-brazilian-judiciary-and-some-conundrums/> 03.03.2023 y.

Германия Федератив Республикасида ҳам суд тизимида сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиб келинаётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, Франкфурт округ судига ҳар йили 10 000 дан 15 000 гача бир хил тоифадаги, яъни йўловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (масалан, рейсларнинг кечикиши сабабли етказилган зарарни ундириш) билан боғлиқ низоларнинг кўриб чиқирилиши, судьялар томонидан бир хил мазмундаги ва катта меҳнат талаб қиладиган ҳамда якунида деярли бир хил мазмундаги қарор қабул қилинадиган ишларнинг кўплаб кўриб чиқирилиши суд органларининг ҳукуматга ушбу муаммони ҳал этиш бўйича мурожаат қилишига сабаб бўлди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида IBM компанияси томонидан суд тизими учун OLGA деб номланган сунъий интеллектга асосланган ёрдамчининг яратилиши ишларни туркумларга ажратиш, электрон маълумотлар базаси маълумотлари асосида ишларни кўришни тезлаштириш ҳамда қарор қабул қилишда кўмаклашишни назарда тутди. Суд тизимига 2024 йилда жорий қилинган ва сунъий интеллектга асосланган Frauke дастури эса даъво аризасидаги маълумотлар асосида илгари кўрилган ишлар орасидан муайян ишни (масалан, рейс номери ва кечикиш вақти бўйича) аниқлаш ва суд қарори лойиҳасини тайёрлаб бериши эвазига ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш муддатлари сезиларли даражада қисқарган.¹⁰

Юқоридаги суд тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш тажрибасига эга бўлган давлатлар амалиётини инобатга олган ҳолда, иқтисодий суд ишларини юритишни такомиллаштириш, судьяларнинг иш юкласини ва судга асоссиз мурожаатлар сонини камайтириш, шунингдек қабул қилинаётган суд қарорлари сифатини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг, тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф қилинади:

1) иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланган ҳолда суд мажлиси баённомасини реал вақт режимида овоздан матнга ўтказиш – судья ёрдамчиларининг суд мажлиси баённомасини тайёрлашга сарфланадиган жуда кўп вақтини тежаши билан бирга, тарафлар вакилларининг кўрсатувлари суд мажлиси баённомасида аниқ акс эттирилиши судья томонидан қонуний ва асосли қарор қабул қилинишини таъминлайди;

2) сунъий интеллект технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш – суд тизимидаги "Adolat" ахборот тизимлари комплексини такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қиладиган дастурларни жорий қилиш асосида иқтисодий суд ишларини юритишда даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш тўғрисидаги суд ажримидан тортиб, якуний суд ҳужжатлари лойиҳаларининг тайёрланиши суд ишларининг оқилона муддатларда кўрилиши ҳамда суд мажлиси иштирокчиларининг ортиқча оворагарчилигининг олдини олишга хизмат қилади;

3) "Adolat" ахборот тизимлари комплекси негизида виртуал-маслаҳатчи платформасини ишга тушириш – иқтисодий судга мурожаат қилиш истагида бўлган даъвогар томонидан ахборот тизимига электрон тарзда юкланадиган даъво аризаси ва

¹⁰ <https://www.ibm.com/case-studies/blog/judicial-systems-are-turning-to-ai-to-help-manage-its-vast-quantities-of-data-and-expedite-case-resolution>, 04.02.2025 y.

унга илова қилинадиган ҳужжатлар асосида улар судга юборилмасдан аввал даъвогарга судда кўриладиган низонинг эҳтимолий натижасининг ҳамда ундириладиган суд харажатларининг олдиндан айтиб берилиши, иқтисодий суд ишларини юритиш билан боғлиқ бошқа саволларга тезкорлик билан жавоб берилиши судга асоссиз мурожаатлар сонини камайтириши, жисмоний ва юридик шахслар учун қулайлик туғдириши билан бирга, судья ва суд ходимларининг иш бўйича тарафлар ва бошқа шахслар билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришишларини чеклаш орқали коррупцион ҳолатларга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади;

4) “Adolat” ахборот тизимлари комплекси негизида сунъий интеллект технологияларига асосланадиган ҳамда тизимда мавжуд суд ҳужжатлари асосида иш туркуми ва суд амалиётини таҳлил қиладиган дастурни жорий қилиш – бугунги кунда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилган ва шахсизлантирилган ҳолда электрон маълумотлар базасида публикация қилинаётган суд қарорларининг публикация қилинишидан олдинги судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган нусхасини алоҳида маълумотлар базасида жамлаш орқали кўриб чиқиладиган низога айнан ўхшаш бўлган суд қарорлари банкидан судья бевосита фойдаланиши имкониятини яратиш орқали мазкур низо бўйича мавжуд суд амалиёти билан танишиш, қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш орқали асосли суд қарорлари қабул қилиниши ҳамда республика судларида ягона қонуний суд амалиёти йўлга қўйилишини таъминлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, иқтисодий судлар фаолиятига ва иқтисодий суд ишларини юритиш жараёнига сунъий интеллект технологияларининг жорий қилиниши судьяларнинг иш юкласини ва судга асоссиз мурожаатлар сонини камайтиришга, шунингдек қабул қилинаётган суд қарорлари сифатини ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг, тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/-3327998>;
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 3 сентябрдаги ПҚ-4818-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/4979896>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сон Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/6358976>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техник таъминотини

яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-140-сон Фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, <https://lex.uz/uz/docs/7696567>;

5. Soni Mishra. Justice on hold. <https://frontline.thehindu.com/the-nation/india-judicial-delay-supreme-court-police-judges/article70185758.ece/amp/> Published: Oct 22, 2025 00:14 IST;

6. <https://www.unesco.org/en/articles/ai-courtroom-unescos-new-guidelines-judiciary>;

7. Andre Ripla, AI DBA Candidate, AI Judges in Global Courts: Transforming Justice Through Technology, <https://www.linkedin.com/pulse/ai-judges-global-courts-transforming-justice-through-andre-gck2e>, 16.09.2025 y.;

8. <https://learningenglish.voanews.com/a/robot-justice-the-rise-of-china-s-internet-courts-/5201677.html>

9. Eduardo Villa, Coimbra Campos, Artificial Intelligence, the Brazilian judiciary and some conundrums//<https://www.sciencespo.fr/public/chaire-numerique/en/2023/03/03/article-artificial-intelligence-the-brazilian-judiciary-and-some-conundrums/> 03.03.2023 y.;

10. <https://www.ibm.com/case-studies/blog/judicial-systems-are-turning-to-ai-to-help-manage-its-vast-quantities-of-data-and-expedite-case-resolution>, 04.02.2025 y.